



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

ЖАМИЯТ

№ 47
(965)
2025 йил
20 ноябрь,
Пайшанба

МАРКАЗИЙ ОСИЁ БИРЛИГИ:



ТОШКЕНТДА ТАРИХИЙ САММИТ ВА ЯНГИ СТРАТЕГИК ҚАДАМЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Марказий Осиё давлатлари етакчилари минтақавий ҳамкорлик, барқарор ривожланиш ва хавфсизлик масалаларини муҳокама қилди

Марказий Осиё — асрлар давомида халқларини дўстлик ва ҳамжихатлик ришталари билан боғлаб келган, тамаддунлар чорраҳасида жойлашган бетакрор минтақадир. Бугун эса бу ҳудуд янги давр остонасида турибди. Жаҳонда геосиёсий таъсирлар кучайиб, иқтисодий манфаатларга асосий урғу берилган бир пайтда, минтақанинг барқарорлиги ва келажаги ҳам давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳамжихатликка таянади.

Шу маънода пойтахтимиз Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари президентларининг юқори даражадаги учрашуви — нафақат давлат раҳбарларининг навбатдаги мулоқоти, балки минтақанинг эртанги сиёсий архитектурасини белгилаб берувчи тарихий воқелик сифатида катта аҳамият касб этади. Президент Шавкат Мирзиёев раислигидаги мазкур саммит халқларимизни бирлаштирувчи эзгу мақсадлар, умумий манфаатлар ва янги истиқболлар руҳини янада мустаҳкамлади.

Иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш — умумий мақсад

Саммитда савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтириш, божхона тизимларини модернизация қилиш ва транспорт-логистика салоҳиятини ошириш масалалари марказий ўринни эгаллади. Президент Мирзиёев минтақадаги савдо айланишини кўпайтириш учун амалдаги тўсиқларни камайтириш, рақамли алоқаларни мустаҳкамлаш ва инфратузилмавий боғлиқликни кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Бугунги кунда Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро товар алмашинув ҳали ҳам мавжуд имкониятларга нисбатан паст. Саммитда қабул қилинган таклиф ва ташаббуслар айнан шу масалани ҳал этишга қаратилган бўлиб, тезкор ва шаффоф савдо механизмларини йўлга қўйишга замин яратади.

Озарбайжоннинг тўлиқ қўшилиши — янги имкониятлар эшиги

Учрашувнинг муҳим воқеаларидан бири — Озарбайжон Республикасининг Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлик платформасига тўлиқ ҳуқуқли иштирокчи сифатида қабул қилиниши бўлди.

Бу қарор нафақат сиёсий, балки иқтисодий ва транспорт йўлақларида ҳам янги истиқболларни очади. Каспий денгизи орқали ўтувчи йўллар, Кавказ билан боғлиқ стратегик лойиҳалар ва энергетика соҳасидаги ҳамкорлик кенгайтириш кутилмоқда.

Озарбайжоннинг қўшилиши Марказий Осиёнинг халқаро савдо заңжиридаги роли ва рақобатбардошлигини янада ошишига хизмат қилади.

Минтақавий ҳамкорликда янги қадам

Президент Шавкат Мирзиёевнинг фаол ва оқилона ташаббуслари марказий аҳамият касб этди. Мирзиёев минтақавий интеграцияни нафақат иқтисодий соҳада, балки хавфсизлик, транспорт ва энергетика йўналишларида ҳам ривожлантиришни устувор вазифа сифатида белгилади.

Президентнинг илгари сурган “Марказий Осиё жамияти” концепцияси минтақавий ҳамкорликни институционаллаштириш, умумий лойиҳалар ва механизмлар орқали барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган. Ушбу ташаббус нафақат ҳукуматлар, балки бутун халқлар учун умумий манфаатларга хизмат қилади, минтақа давлатлари ўртасида ишонч ва ҳамжихатликни мустаҳкамлайди.

Мирзиёевнинг ташаббуслари натижасида минтақада савдо, логистика ва транспорт йўлақлари самарадорлиги оширилмоқда, чегаравий ҳамкорлик ва хавфсизлик масалаларида ягона позиция шакллантирилмоқда. Бу ташаббуслар Марказий Осиёнинг келажақдаги барқарор ва фаровон ривожланишига хизмат қиладиган

муҳим стратегик қадамлар сифатида баҳоланмоқда.

Минтақавий хавфсизлик — барқарор тараққиёт гарови

Саммитда хавфсизлик ва барқарорлик масалалари алоҳида эътибор марказида бўлди. Афғонистондаги вазият, терроризм ва трансчегара жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги умумий ёндашув муҳим экани таъкидланди.

Президентлар хавфсизликка оид маълумот алмашинувини кучайтириш, қўшма чора-тадбирлар механизмларини такомиллаштириш ва чегара хавфсизлигини ошириш борасида яқдил фикр билдирди. БМТнинг Марказий Осиё учун Превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбарининг учрашувда иштирок этиши ушбу масаланинг халқаро аҳамиятини янада тасдиқлади.

“Марказий Осиё жамияти” ташаббуси — интеграциянинг янги босқичи

Саммитда Президент Мирзиёев томонидан илгари сурилган “Марказий Осиё жамияти” ташаббуси жамоатчилик эътиборини тортди. Ушбу концепция минтақавий ҳамкорликни институционал даражага кўтариш, иқтисодий, гуманитар ва хавфсизлик соҳаларида янги механизмлар яратишни назарда тутди.

Умумий манфаатлар йўлида бирлашиш, ягона позициядан чиқиш ва лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш — ушбу ташаббуснинг асосий йўналишлари ҳисобланади. Бу эса минтақа барқарорлиги, иқтисодий ўсиши ва аҳоли фаровонлигига хизмат қилади.

Хулоса


Тошкентдаги саммит Марказий Осиёнинг янада бирлашган, ўзаро боғланган ва келажаққа интилаётган

қийфасини намоён қилди. Давлат раҳбарлари ўртасида эркин ва очиқ мулоқот, амалий ечимлар ва умумий мақсадлар атрофида бирлашиш — бугунги минтақавий сиёсатнинг асосий мезонига айланди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари минтақавий ҳамкорликни кучайтириб, савдо, транспорт ва хавфсизлик соҳаларида амалий натижаларни таъминлайди. Бу ташаббуслар нафақат бугунги кунда, балки келгуси йилларда ҳам Марказий Осиёнинг барқарор ва фаровон ривожланишига хизмат қилади.

Шубҳа йўқки, Тошкентдаги учрашув тарих саҳифаларида минтақанинг янги уйғониш давридаги сиёсий марра сифатида қайд этилади. Марказий Осиё ўз тараққиётини ўзи белгилайдиган, халқлар манфаатини устувор қўядиган ва дўстлик ришталарига таянган янги босқичга қадам қўймоқда. Бинобарин, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Марказий Осиё янги давр остонасида” сарлавҳали мақоласида таъкидланганидек: “Бугун биз кучли, барқарор ва фаровон минтақа — Янги Марказий Осиёнинг мустаҳкам пойдеворини яратмоқдамиз. Минтақамизда кечаётган жараёнлар — бу онгли ва ортга қайтмас танлов. Ушбу йўл биздан нафақат биргаликдаги саъй-ҳаракатларни, балки умумий келажагимиз учун масъулиятни ўз зиммамызга олишга тайёр бўлишимизни ҳам талаб қилади. Куч ва имкониятларимизни бирлаштириб, умумий вазифаларни ҳал этмоқдамиз, шунингдек, халқаро ҳамжамиятга тинч ва бунёдкор ҳамкорликнинг вақт ва ҳаёт синовидан ўтган — ишонч, яхши қўшничилик ва ўзаро қўллаб-қувватлашга асосланган ўз моделимизни таклиф этмоқдамиз. Ва бугун Марказий Осиёни кенг минтақамизда яшаётган барча миллат ва халқлар учун ягона тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт маконига айлантирадиган ушбу тарихий суръатни сақлаб қолишимиз ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир”.

Максуд ЖОНИХОНОВ



КУЧЛИ, БАРҚАРОР ВА ФАРОВОН МИНТАҚА

Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Марказий Осиё янги давр остонасида” сарлавҳали мақоласини бугунги Марказий Осиёда кечаётган сиёсий янгиланишнинг интеллектуал пойдеворини ўзида мужассам этган, минтақа давлатлари ўртасида шаклланаётган янги ишонч, ўзаро ҳурмат ва стратегик яқинлашувнинг илдизларини теран очиб берувчи сиёсий манифест сифатида баҳолаш мумкин.

Унда ҳамкорликни ҳаракатга келтирган геосиёсий ва геоиқтисодий омиллар пухта таҳлил қилинган, минтақа келажагига йўналтирилган умумий стратегиянинг сиёсий-фалсафий мазмуни аниқ ифодаланган.

Мақолани ўқир эканман, Марказий Осиёнинг бугунги танлови тасодифий эмаслигини, аксинча, тарихий заруриятлар, минтақа халқларининг муштарак манфаатлари ва етакчиларнинг қатъий сиёсий иродаси билан мустаҳкамланган ортга қайтмас жараён эканини чуқур англадим.

Мазкур мақола минтақанинг узоқ муддатли истиқболини белгилаётган янги сиёсий парадигмага асослангани, давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч, шериклик ва прагматик ҳамкорликнинг янги даврини шакллантираётган тамойилларни аниқ белгилаб бергани билан аҳамиятлидир.

Сўнгги йилларда Марказий Осиёда рўй бераётган ўзгаришлар минтақа халқларининг тарихий хоҳиш-иродасини, бирдамликка бўлган эҳтиёжини сиёсий шаклда ифодалаяпти. Узоқ вақт давомида илк бор давлатлар ташқи воситачиларсиз, очик, самимий ва ишончли мулоқотга ўтди. Айнан шу ишончнинг кучи билан энг мураккаб масалалар — энг аввало чегара масалалари — ҳал этилди.

Тарих шундан далолат берадики, чегара ва ресурслар бўйича келишмовчиликлар кўплаб минтақаларда кескин зиддият ва фожиаларга олиб келган. Марказий Осиё эса конструктив мулоқот, ўзаро ҳурмат ва манфаатларнинг мувозанати устувор бўлган яқин қўшничилик йўлини танлади.

Бу борада сиёсий иродани, дадил позицияни энг аввало Президентини

миз Шавкат Мирзиёев намоён этди. У ўз фаолиятининг илк кунларида минтақада яхши қўшничиликни устувор вазифа сифатида белгилаб, йиғилиб келган ўткир муаммоларга қатъият билан ечим топди. Натижада минтақа ҳамкорлигининг янги босқичига қадам қўйди.

Уч давлат чегаралари туташган нукта бўйича имзоланган тарихий битим, Хўжанд декларацияси, сув-энергетика йўналишидаги йирик қўшма лойиҳалар — буларнинг барчаси Марказий Осиё тарихида чинакам бурилиш ясади.

Бу жараён минтақа ўз муаммоларини ўзи ҳал эта олишини, ўз келажагини ўзи белгилашга қодирлигини яққол кўрсатди. Бу муносабатларнинг асоси эса етакчиларнинг донолиги, халқларнинг эса ўзаро ишонч ва дўстлик руҳига содиқлигидир.

Президент мақоласидаги энг муҳим хулосалардан бири шуки, минтақавий ҳамкорлик, дўстлик ва яхши қўшничилик бугун реал натижаларга эга бўлган амалий жараёнга айланди. Янги ўтиш пунктларининг очилиши, авиақатновлар, темир йўл ва автобус йўналишларининг кенгайиши, сайёҳлик оқимининг бир неча баробар ошиши — буларнинг барчаси одамлар ўртасидаги яқинлик ва борди-келди қандай кучайганининг яққол далилидир. Бир пайтлар орзу бўлиб туюлган эркин ҳаракатланиш, ишонч ва яқинлик бугун ҳаётий ҳақиқатга айланган.

Халқ вакили сифатида ҳудудларга чиққанимизда бу ўзгаришларни ўз кўзимиз билан кўрамиз, борди-келдининг қулайлашуви одамларни бир-бирига яқинлаштирди, тадбиркорларга янги бозорлар очилди, савдо-сотиқ жонланди. Бу — минтақавий интеграциянинг энг

реал, энг оддий ва энг кучли кўриниши дейишимиз мумкин.

Президентимиз таъкидлаганидек, Марказий Осиё иқтисодиёти ҳам янги босқичга кириб бормоқда. Сўнгги саккиз йилда минтақа ЯИМ 2,5 баробар ўсди, ўзаро инвестициялар 5,6 бараварга ошди, саноат кооперацияси, логистика, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва рақамли иқтисодиётда умумий макон шаклланди. Марказий Осиё энди шунчаки транзит ҳудуд эмас — балки янги саноат тугуни ва Евроосиё иқтисодий маконининг муҳим узелига айланмоқда.

Ташқи сиёсатда ҳам минтақа янги сифат босқичига чиқмоқда. “Марказий Осиё плюс” форматлари орқали давлатлар илк бор ягона сиёсий субъект сифатида глобал майдонга чиқмоқда.

Бу минтақанинг овозини кучайтирибгина қолмай, стратегик шериклик ва инвестицион жозибадорликни ҳам кескин оширмоқда. Шиддатли геосиёсий бекарорлик шароитида айнан бирлик минтақанинг энг катта кучига айланмоқда.

Президентимиз доимо Афғонистон масаласига нисбатан ҳам чуқур ва масъулиятли ёндашувни таъкидлайди, Афғонистон минтақанинг табиий давомидир. Шунинг учун Трансафғон темир йўли, энергетик ва гуманитар лойиҳалар, таълим дастурлари — буларнинг барчаси Марказий Осиёнинг жанубий чегараларида барқарорлик камарини яратиш демакдир. Афғонистонда барқарорлик бўлмас экан, бутун минтақавий хавфсизлик тизими тўлиқ ишламаслиги ҳам инкор этиб бўлмас ҳақиқатдир.

Шу боис бугунги ютуқлар билан чекланиб қолмай, олдинда турган масалаларни чуқур ва тизимли ҳал қилиш зарурияти асослантирилган мазкур мақолада белгилаб берган келгусидаги вазифалар Марказий Осиёнинг эртанги куни қандай бўлишини белгилайдиган стратегик йўналишлардир.

Назаримда, ушбу вазифаларнинг энг муҳим томони — улар реал ҳаёт талабидан келиб чиққан, минтақа

барқарорлигининг ҳақиқий пойдеворида айланган масалалардир.

Мақолада қайд этилган демографик омил — Марказий Осиё бугун 80 миллиондан ортиқ аҳолига эга, дунёнинг энг ёш минтақасига айланган, ўртача ёш эса 29 ёшни ташкил этмоқда бу келажак тараққиётининг энг муҳим ресурсидир. Ёшлар истеъдодини рўёбга чиқариш, таълим ва илм-фан интеграциясини кучайтириш борасидаги вазифалар бу нафақат ижтимоий сиёсат масъулияти, балки минтақанинг глобал рақобатбардошлигини белгилайдиган стратегик омилдир.

Шу боис, гуманитар ҳамкорлик масаласидаги ташаббуслар минтақа интеграциясининг “юраги” десам муболаға бўлмайди. Чунки сиёсий келишувларни мустаҳкамлайдиган ҳам айнан халқ орасидаги ўзаро ишонч, маданий яқинлик ва маънавий ҳамжиҳатликдир. Таълим, илм-фан, ижодий лойиҳалар, ёшлар платформалари, академик алмашинув минтақавий ўзига хосликнинг шаклланишига хизмат қилмоқда.

Мен учун ушбу мақоланинг энг қадрли томони — Марказий Осиё давлатларининг ўз келажагини ўзи белгилашга тайёрлиги, халқаро майдонда мустақил овоз ва мустаҳкам позиция билан иштирок этишга бўлган қатъий иродасининг яққол кўринишидир. Биз деворлар эмас, кўприklar кураётган минтақа сари дадил қадам қўйдик. Бу йўлни охиригача бирга босиб ўтиш — сиёсий масъулият, тарихий вазифа ва келажак авлодлар олдидаги бурчдир.

Бугун Марказий Осиё кучли, барқарор ва фаровон минтақа бўлиш учун энг қулай геосиёсий нуктада турибди. Бирлик — энг катта ресурсимиз, масъулият — энг мустаҳкам таянчимиз, ҳамкорлик эса келажакимизнинг ҳаракатлантирувчи кучидир. Энг муҳими, Янги Марказий Осиё — бу орзу эмас, бугунги ҳақиқатдир. Ва бу ҳақиқат ортга қайтмайди.

Шахноза ХОЛМАҲАМАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты



ЖИПСЛИК ЙЎЛИДА ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

Марказий Осиё бугун ўз тарихининг яна бир муҳим бурилиш нуқтасида турибди. Минтақамизда юз бераётган чуқур ўзгаришлар, давлатлар ўртасида шаклланаётган ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва шериклик муҳити бу тасодифнинг эмас, балки мамлакатларимиз раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси, халқимизнинг умумий манфаатлар йўлида жипслашувга бўлган интилишининг бевосита самарасидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Марказий Осиё янги давр остонасида” номли мақоласи бугунги жараёнларнинг стратегик асосларини очиб беради ва минтақамизнинг келгуси тараққиёт йўналишларини аниқ белгилаб беради. Энг муҳими, бу жараёнлар эндиликда нафақат сиёсий, балки иқтисодий, ижтимоий ва экологик барқарорликни мустаҳкамлашнинг ҳам муҳим омилига айланди.

Минтақа лидерлари ўртасида 2017 йилдан буён йўлга қўйилган Маслаҳат учрашувлари қисқа муддат ичида Марказий Осиё ҳамкорлигининг асосий механизмига, ўзаро мулоқотнинг самарали майдонига айланди. Бу учрашувлар туфайли йиллар давомида ҳал этилмай келган, баъзида эса кескинлик манбаи бўлган бир қатор масалалар конструктив руҳда ечилиб, ишончсизликдан ҳамкорликка ўтиш имконияти яратилди.

Айниқса, минтақа давлатларининг барча чегаралари ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ белгиланганининг эълон қилиниши бу тарихий воқеа, минтақавий барқарорликнинг пойдевориغا айланган улкан сиёсий ютуқдир. Бир вақтлар бизни ажратган чизиклар бугун дўстлик, савдо, ҳамкорлик ва инсонлар ўртасидаги мулоқот кўпригига айланди.

Сув-энергетика соҳасидаги ўзаро ишончга асосланган янги ёндашув ҳам минтақавий интеграциянинг ёрқин мисолидир. Қамбарота ГЭС-1 лойиҳасининг биргаликда амалга оширилиши, Зарафшон хавзасида янги ГЭСлар қуриш бўйича ҳамкорлик, Баҳри Тожиқ сув омборидан фойдаланиш, Амударё ресурсларини оқилона бошқариш борасидаги битимлар булар Марказий Осиёда илгари тасаввур қилиб бўлмайдиган ҳамкорлик маданиятининг шаклланишидан далолат беради. Бундай қўшма ташаббуслар нафақат энер-

гетик хавфсизликни мустаҳкамлайди, балки атроф-муҳитни асраш, сув танқислигини камайтириш ва экологик барқарорликни таъминлаш йўлида муҳим аҳамият касб этади. Экологик партия фракцияси аъзоси сифатида айтишим мумкин, бугунги ҳамкорлик формати минтақанинг экологик ҳавфсиз келажагини яратиш йўлида стратегик аҳамиятга эга.

Марказий Осиё етакчиларининг чиқишларида ҳам Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ғоя ва ташаббусларга уйғун қарашлар яққол кўзга ташланди. Улар ҳам минтақада барқарор ривожланиш, хавфсизликни таъминлаш ва экологик муаммоларни ҳал этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Минтақамизда сўнгги йилларда кузатилаётган иқтисодий ўсиш кўлами ҳам Марказий Осиёнинг янги қиёфасини кўрсатмоқда. Атиги саккиз йил ичида умумий ялпи ички маҳсулот 520 миллиард долларга етгани, ўзаро савдо икки қара ўсгани, давлатлар ўртасидаги инвестициялар 5,6 баробарга ошгани буларнинг барчаси ҳамкорликни чуқурлаштиришнинг аниқ натижаларидир.

Бироқ иқтисодий тараққиёт экологик барқарорликсиз тўлиқ бўла олмайди. Иқлим ўзгариши, сув ресурсларининг қисқариши, чўлланиш, биологик хилма-хилликнинг камайиши буларнинг барчаси Марказий Осиё учун стратегик хавфлар саналади. Шунинг учун бугунги сиёсатнинг экологик ўлчови ниҳоятда муҳим.

Сувдан адолатли фойдаланиш, “яшил энергетика”га ўтиш, кам углеродли иқтисодиётни шакллантириш, минтақавий экологик лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш буларнинг барчаси умумий мақсадимиз бўлиши зарур. Марказий Осиё

экологик жиҳатдан барқарор минтақага айланиши мумкин ва айнан шундай бўлиши шарт. Бу нафақат иқтисодий, балки сиёсий барқарорликнинг ҳам муҳим кафолатидир.

Гуманитар алоқаларнинг мисли кўрилмаган даражада кучайгани эса халқимизни янада яқинлаштирамоқда. Сўнгги йилларда транспорт қатновлари, авиарейслар, автобус ва темир йўл йўналишларининг кўпайиши, янги чегара ўтиш пунктларининг очилиши минглаб оилаларни, минглаб юртдошларни бир-бирига янада яқинлаштирди. Минтақавий туризм ҳажми 80 фоиздан ошгани эса Марказий Осиё халқларининг ўзаро маданий яқинлашувининг амалий кўринишидир.

Бугунги мураккаб глобал шаро-

лиондан ошиши кутилар экан, бу демографик ресурс улкан имконият билан бир қаторда улкан масъулият ҳам юклайди. Ёшлар салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, уларни замонавий илм-фан, инновация, экология соҳаларида қўллаб-қувватлаш — келажагимизнинг асосий шарти бўлиб қолади.

Шу нуқтаи назардан, суверен тенглик, ўзаро ҳурмат, ички сиёсатга аралашмаслик тамойилларига таянадиган, ҳеч қандай “юқоридан” берилган регионал моделга асосланмаган, фақат манфаатларга йўналтирилган ҳамкорлик — Марказий Осиёнинг тўғри йўли эканини бугунги жараёнлар исботламоқда. Марказий Осиё ҳамкорлиги ҳеч қачон мажбурий интеграция шаклига айланмаслиги керак. У фақат прагматик ёндашув ва халқларга фойда келтирадиган реал натижаларга асосланиши зарур.

Бугун Марказий Осиё давлатлари халқаро майдонда ўз овозига эга бўлган, ўз манфаатларини ҳимоя қила оладиган мустақил минтақавий субъект сифатида шаклланимоқда. “Марказий Осиё плюс” форматларининг фаол кенгайиб бораётгани, дунёнинг энг йирик давлат ва ташкилотлари билан мулоқотнинг кўпайгани ҳам ана шу жараённинг ифодасидир. Эндиликда минтақанинг ҳар бир ташқи сиёсий қадамида уйғунлик ва ўзаро келишув муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, бугун биз кучли, барқарор, фаровон ва экологик хавфсиз Янги Марказий Осиёни барпо этиш сари дадил қадам ташламоқдамиз. Бу жараён ортга қайтмас тарихий танлов. Бизнинг вазифамиз — бу суръатни асраб қолиш, янада кучайтириш ва умумий келажагимиз учун масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр бўлган сиёсий ирода билан ҳаракат қилишдир. Президентимиз таъкидлаганидек, биз девор эмас, кўприк қурмоқдамиз. Айнан шундай йўл билангина Марказий Осиёни барча халқлар учун тинчлик, барқарорлик, фаровонлик ва тараққиёт маконига айлантиришимиз мумкин.

Ойбек РАҲИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты



МОТАМ МАРОСИМЛАРИ: ОДАМЛАР ЎЗГАРДИМИ Ё ОДАТЛАР?



Ҳозир Ўзбекистонда тўй харажатларини қисқартириш бўйича кўплаб чора-тадбирлар кўриляётган бўлса-да, амалда бу жараён жуда секин кетяпти. Мотам маросимларида эса аксинча манзарани кўрамиз: сўнгги йилларда кераксиз удум ва ортикча одатларни қисқартириш борасида сезиларли натижаларга эришилди. Нега айнан мотамдаги ортикча одатларни камайтириш осонроқ бўлди-ю, тўй масаласида ҳануз қийинчиликлар сақланиб қолмоқда? Бу савол бугун жамиятда кўп бор тилга олинаётган, турли муҳокама ва суҳбатларда қайта-қайта қайтиб келаётган мавзулардан биридир.

Бу саволга жавоб топиш учун, аввало мотам маросимларининг тарихий илдизларига назар ташлаш керак. Чунки мотамнинг бугунги кўриниши шунчаки диний мажбурият ёки “одатдаги маросим” эмас, балки минг йиллик қатламлар устма-уст қўшилиб шаклланган мураккаб маънавий-маданий тизимдир. Унда исломий қоидалар, қадимги туркий-эроний тасаввурлар, маҳаллий урф-одатлар ва совет даврида юзага келган сунъий удумлар бир-бирига қоришиб кетган.

Мотам маросимининг энг асосий ядросини ислом дини белгилаб берган. Майитни ювиш, оқ кафанга ўраш, жамоат бўлиб жаноза ўқиш, имкони борича тез дафн қилиш, мотамни ортга сурмаслик ва ҳаддан ташқари нола-фарёддан тийилиш — булар асрлар давомида ўзгармаган шариат қоидаларидир. VIII–IX асрлардан бошлаб бу тартиблар халқнинг кундалик ҳаётига чуқур сингиб кетган. Шу боис бу амалиётлар “шариат талаби” сифатида баҳс-саволсиз қабул қилинади ва ҳеч ким уларни инкор этмайди.

Бироқ мотам фақат шундан иборат эмас. Ўзбекистон ҳудуди қадимдан туркий ва эроний маданиятлар чорраҳаси бўлгани сабабли, бу ерда исломдан олдинги дунёқараш ҳам кучли из қолдирган. Аждодлар руҳи, уруғ-авлод бирдамлиги, “марҳумни яхши сўз билан эслаш” каби тасаввурлар мотамга оид урф-одатларда намоён бўлиб келган. Қадим туркий жамиятларда марҳум ортидан катта жамоа бўлиб йиғилиш, мотам овқатлари тайёрлаш, бирга еб-ичиш, қайғуни “умумий алам” сифатида ҳис этиш муҳим қадрият бўлган. Бугунги кунда ҳам мотам ошлари, қўни-қўшни ва қариндош-уруғнинг хизматга келиш одати айнан ана шу қадимий ижтимоий бирдамликнинг давомидир.

Вақт ўтиши билан ушбу тарихий тасаввурлар мотам маросимларини вақт бўйича ҳам босқичларга ажратиш юборди: 3 кун, 7 кун, 20 кун, 40 кун, бир йиллик хотира... Учинчи кунлик мотам шариатдаги тавсияларга таянади. Аммо етти, йигирма ва қирқ кунлик алоҳида йиғилишлар

кўпроқ халқона руҳий тасаввурлар, тасаввуфий таълимотлар ва қадимги “руҳни кузатиш” каби рамзий қарашлар билан боғлиқ эди. “Рух 40 кун уй агрофида яқин бўлиб туради” деган тушунча ҳам илмий ёки фикхий ҳукм эмас, балки инсоннинг тасаллига бўлган эҳтиёжи ифодаси эди. Кейинчалик бу “кунлар занжири” — 3, 7, 20, 40 ва йил оши — кўп жойларда мотамнинг “меъёри” сифатида қабул қилина бошлади.

Мустақиллик йилларида давлатимизнинг маънавий сиёсати айнан шу занжирни қисқартиришга қаратилди. Яъни фақат 7 ва 20 эмас, умуман 3–7–20–40–йил тарзда чўзилиб кетган шаклни қайта кўриб чиқишга ҳаракат қилинди. Имом-хатиблар, маҳалла етакчилари, зиёлилар ва маънавият тарғиботчилари бир овоздан шундан далолат бердиларки: шариат асосидаги уч кунлик мотам ва марҳумни йил ўтиб ёдга олиш маъқул, аммо ўртадаги 7, 20 ва ҳатто баъзи ҳолларда 40 кунлик йиғилишлар шариатда шарт эмас, кўпинча оила зиммасига қўшимча моддий ва руҳий юк бўлиб тушмоқда эди.

Амалиётда энг катта ўзгариш аввало 7 ва 20 кунлик маросимларда тугатилиб улар деярли бутунлай йўқолди. Қирқ кунлик маросимни ҳам қисқартиришга даъватлар бўлса-да, у ҳозирча айрим ҳудудларда сақланиб қолган — кимлардир учун бу ҳали ҳам “руҳий чегара”, “кўникма” сифатида яшамокда. Бир йиллик хотира маросимларини эса тўлиқ олиб ташлаш эмас, балки уларни исрофсиз, содда ва аниқ маънавий мақсад билан ўтказишга уринишлар қилинди. Шу боис бугун кўпчилик жойларда йил оши сақланиб қолган, фақат унинг шакли соддароқ, оилага оғир тушмайдиган кўринишга ўтмоқда.

Совет тузуми даври эса мотам маданиятига умуман бошқа, сунъий қатламларни кўшиб юборди. Диний эътиқодга қарши кураш авжида бўлган, ҳайит каби байрамлар чин маънодаги диний қиёфасидан ажратилган йилларда мотам билан боғлиқ ғалати одатлар шаклланди. Шулардан бири — ҳайит куни таъзияхона очиш одати эди. Аслида ҳайит — ку-

вонч, кечирим, болалар шодлиги ва қариндош-уруғ зиёрати куни. Лекин совет мафкуриси таъсири остида айрим жойларда айнан шу кунда байрам кайфиятини эмас, тўғридан-тўғри мотамни “давом эттириш”, дастурхон ёзиш, одам йиғиш каби одатлар пайдо бўлди. Бунинг на шариатга, на халқнинг асл қадриятига алоқаси бор эди — у динни камайтириш, байрам маъносини йўқотиш сиёсатининг маҳсули эди.

Мустақилликдан кейин ҳайитнинг асл руҳи қайта тикланди. Уламолар ҳайит — аввало, дуо ва кечирим, болаларга совға-салом, қари-ёшларнинг кўнглини олиш, яқинларни зиёрат қилиш куни эканини изчил тушунтирди. Давлатимиз ҳам аҳолининг байрам кайфиятини кўтариш, болалар онгида “ҳақиқий байрам” тасаввурини шакллантиришга катта эътибор қарата бошлади. Натижада “ҳайитда байрам қилмай, алоҳида таъзияхона очиш керак” деган қараш деярли бутунлай йўқолди: одамлар ҳайитни байрам сифатида нишонламоқда, марҳумларни эса ана шу кунда дуо ва савоб ишлар билан ёдга олишга ўтишди.

Мотам маросимларида бир пайтлар кенг тарқалган яна бир оғир удум — “гўянда”, яъни йиғловчи аёллар касби мавжуд эди. Тарихий илдизларга қаралса, қадимги шарқ муҳитида марсия айтадиган, мотам кўшиқлари билан чиқиш қиладиган аёллар бўлган. Лекин вақт ўтиши билан бу одат ўз мазмунидан узилиб, айниқса совет даврида мутлақо бошқа шакл олди. Диний маросимлар чекланган шароитда гўяндалар тўғридан-тўғри “драматизм яшаш” воситасига айланди: мотам уйига келиб, марҳум ҳақида ҳаддан ташқари қайғули ва кўпинча сунъий гапириб, аёллар даврасида атайлаб кўпроқ йиғи-савук келтириш одат тусига кирди. Бу эса аллақачон оғир аҳволда турган оила учун қўшимча руҳий зарба эди. Мустақилликдан сўнг диний эркинлик тиклангач, уламолар бундай амалиёт шариатга ҳам, инсонийлик мезонларига ҳам зид эканини очик баён эта бошладилар. Минбарлардан “мотам эгасини юпатиш, сабрга чорлаш керак, касб қилиб йиғлатиш эмас”, деган фикр қайта-қайта таъкидланди. Давлатнинг маънавий сиёсати ҳам бундай “руҳий тазйик”ни қўллаб-қувватламаслигини аниқ кўрсатди. Натижада гўяндачилик жамиятда маънавий асосини ҳам, иқтисодий эҳтиёжини ҳам йўқотди ва амалда деярли бутунлай саҳнадан тушди.

Шу билан бирга, мотам маросимларининг ижобий қатламлари сақланиб қолди. Марҳум ортидан ош бериш, қўни-қўшни ва қариндошлар-

нинг хизматга келиш, “ёнига бориб, бир пиёла чойини ичиб, кўнглини сўраш” каби одатлар қадимий ижтимоий бирдамликнинг равон давомидир. Маҳалла аҳлининг “оғирини енгил қилиш”, “ёнига ёлғиз ташлаб қўймаслик” руҳи — бу анъаналарнинг энг муҳим маъноси ҳисобланади. Мустақиллик даври маънавий сиёсати ҳам мана шу ижобий илдизларни қўллаб-қувватлади: мотамни тўлиқ бекор қилиш эмас, балки исрофгарчиликка, руҳий босимга ва инсон кадр-кимматида зид бўлган қисмларини тарқ этиб, унинг асл моҳиятини сақлаб қолиш йўли танланди.

Энди шу манзарани тўй маросимлари билан солиштирсак, фарқ янада яққол кўринади. Мотамда ислохот нисбатан осон кечди, чунки бу ерда биринчи ўринда дард, сабр ва тасалли турибди. Одамлар ич-ичидан “соддароқ бўлса, оғиримиз енгилроқ бўлади” деган фикрга мойил. Уламолар ва давлат сиёсатининг қакириқлари ҳам айнан шу руҳни қўллаб-қувватлади ва жамият бундай ўзгаришларга тезроқ жавоб берди.

Тўйда эса вазият бошқача. Тўй кўпчилик назарида қувончдан ташқари, обрў намоиши, “ким қандай жасорат қилди?” деган кўз ўлчовига айланган. Бу ерда “уят бўлмасин”, “фалончидан кам бўлмайлик”, “қишлоқ нима дейди?”, “қариндошлар гап беради” каби ижтимоий босим жуда кучли. Шу боис тўй маросимларида харажатларни қисқартиришга доир расмий қарорлар қабул қилинса-да, ҳар бир оиланинг амалда бу босимни енгиб ўтиши анча қийин кечмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мотам маросимларидаги кераксиз одатларнинг қисқариши ўзи-ўзидан содир бўлган жараён эмас. Бу — мустақиллик йилларида олиб борилган маънавий сиёсат, диний уламоларнинг изчил тарғиботи, имом-хатибларнинг тушунтириш ишлари, маҳалла етакчилари ва зиёлиларнинг фаол позицияси билан узвий боғлиқ натижа. Жамият мотам мисолида шуни кўрсатдики, агар анъана ичидаги фойдали ва зарарли қатламлар аниқ ажратиб берилса, халққа мантиқий ва диний асослар билан тушунтирилса, одамлар кераксиз удумлардан ҳам оғриқсиз воз кеча олади. Демак, мотам маросимларида эришилган ушбу тажриба тўй маросимларидаги исрофгарчиликка қарши курашда ҳам муҳим маънавий таянч ва ҳозирги давр учун ўта зарур андоза бўлиб хизмат қилиши мумкин.

А. АТАЕВ,

**Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги
Ижтимоий-маънавий
тадқиқотлар институти илмий
ҳодими**

Музейлар ҳақида гап кетганда, бундан ўн йилларча аввал содир бўлган бир нохуш воқеа ёдимга тушаверади. Ўшанда юртимизга келган латвиялик меҳмоннинг илтимосига биноан, уни пойтахтимиздаги музейлардан бирига олиб боргандим.

Не кўз билан кўрайлик-ки, музей-да унинг ходимларидан бўлак бирор киши кўринмасди. Шунда меҳмон бизга юзланиб: “Нима, музей ишламаяптими, томошабинлар кўринмайдими-ку?” деб сўради ажабланиб. Тўғриси, унга нима деб жавоб қайтаришни билолмай қолдим. “Бугун дам олиш куни-да, шунга ҳеч ким йўқ”, деди ёнимдаги ҳамкасбим гўё мени нокулай вазиятдан чиқармоқчи бўлгандек. “Бизнинг музейларимиздан одам аримайди, дам олиш кунлари-ку, у ерга кириш амри маҳол, соатлаб навбат кутишга тўғри келади”, деди шеригимнинг жавобидан ҳайрати янада ортган хорижлик меҳмон...

Ўшанда музей деворларининг айрим жойлари шўрланиб, у ердан зах хиди анқиб турганидан, яна музей ходими берган маълумотнинг нотўғри эканлигини хорижлик меҳмон асослаб берганидан ҳам мулзам бўлгандим.

Мен бу нохуш воқеани бежиз ёдга олмадим. Хўш, 130 йиллик тарихга эга бўлган музейларимизнинг бугунги ҳолати қандай?! Улар жамиятга нима берапти? Қандай ғояларни илгари сурапти?..

Маълумки, ҳар бир давлат таракқиёт сари интилар экан, ҳамиша ўз тарихига назар ташлаб, мавжуд урф-одат, анъана ва қадриятлари ҳамда қадимий ёдгорликларини ўрганишга ва сақлашга интилиши табиий. Бу борада музейларнинг ўрни бекиёс. Улар узоқ ўтмишдан мерос бўлиб келаётган маданият, маърифат, табиат ёдгорликларининг яхлит тизимга солинган йиғиндиси эканлиги билан ҳам қимматлидир.

Сўнгги йилларда юртимизда “Музейларни ривожлантириш 2017-2027 дастури”га асосан музейлар ва маданий меросни ривожлантириш борасида бир қатор муҳим ташаббуслар амалга оширилмоқда. Инфратузилма ва сервисни модернизация қилиш жамғармаси томонидан музейларни қайта таъмирлаш, маданий муассаларни модернизация қилиш, музейлар билан халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида кўплаб Меморандумлар имзоланмоқда. Маданий мерос агентлиги ва бошқа ташкилотлар томонидан кўчма кўргазмалар ва халқаро алоқалар орқали музей материаллари жаҳон миқёсида тарғиб этилмоқда. Музейлар туристик маскан сифатида ҳам кўриб чиқилмоқда. “Музей ҳафталиги” каби тадбирлар орқали музейлар ва маданий мерос объектлари аҳолига яқинлаштирилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2020 йил 26 май куни эълон қилинган “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг “2020–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида

музейлар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори каби бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар соҳа ривожига имкониятлар эшигини кенг очди. Мавжуд музейларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, янги-янги музейлар ташкил этилди. Шунингдек, мутахассисларнинг билим ва малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Янги Ўзбекистонда музейлар



фаолиятини такомиллаштириш, қонуний-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва жаҳон стандартларига мослаштириш бўйича катта ишлар амалга оширилди, — деди Маданий мерос агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Турсунали Қўзиёев. — Шу билан бирга юртимиздаги етакчи музейларнинг замонавий талаблар асосида жиҳозланиши Ўзбекистон музейшунослигидаги катта қадам бўлди. Яқинда қад ростлаган Ислон цивилизацияси маркази музейи жаҳон музейшунослигининг бугунги кундаги энг илғор намунасидир. Албатта, булар соҳани ривожлантиришга қаратилган қонунлар, қонун ости ҳужжатлари самарасидир. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қанчалар такомиллашгани билан музей ҳамма вақт катта харажат ва эътиборни талаб қиладиган, миллий ўзликни белгилаб берадиган муҳим соҳадир. Зеро, ҳар қандай халқнинг тарихи, маданияти, савияси музейларга бўлган эътибор орқали белгиланади. Музейшуносликнинг тараққий этишига юртимизда туризм соҳасининг жадал ривожланиб бораётгани ҳам туртки бўлмоқда. Авваллари маҳаллий аҳолини жалб этиш орқалигина ўз фаолиятини олиб борган музейларга бугунги кунда хорижий сайёҳлар ҳам турна қатор бўлиб борапти. Соҳани ривожлантиришга қаратилган қонунчилик асослари замон талаблари даражасида такомиллашиб борапти. Лекин уларнинг ижроси қандай бўляпти, ижроси учун масъуллар, музейлар жамоаси қандай чора кўряпти, қонунлар ижросини қандай таъминляпти? Мана шу муҳим жиҳат.

Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори Жаннат Исмоилова ҳам мамлакатимиз раҳбари бошчилигида музейлар фаолиятини такомиллашти-

риш, музей ходимлари маошини ошириш, янги музейларни барпо қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталиб, жумладан шундай деди:

— Жамият ўзгарапти. Шунга монанд музейлар ҳам ўзгариши керак. Янги музейларни ташкил қилиш бўйича жуда катта самарали ишлар амалга ошириляпти. Музейлар фаолиятининг тезкорлик билан, жадал ривожланиб бораётгани бизнинг қонуний асосларимизни янгилашга, уларга ўзгартириш киритишга зарурат туғдирмоқда. Охириги ўн йилда ташкил қилинган музейларни таҳлил қиладиган бўлсак, тарихимизни

Айни вақтда Ўзбекистонда 100дан ортиқ музейлар фаолият юритмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 30 га яқин музейлар янгидан барпо этилди.

Ислохотлар доирасида музейлар фондини рақамлаштириш, замонавий интерактив технологиялар ёрдамида музейларга 3Д визуализация ва виртуал турлар жорий этиш, янги музейлар куриш, халқаро стандартлар асосида уларнинг моддий-техника базасини янгилаш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда музейлар фақат миллий мерос эмас, балки Ўзбекистоннинг халқаро имижини шакл-

лантирувчи маданий дипломатия воситасига айланмоқда. Ўзбекистон экспонатлари Франция, Германия, Италия, Англия, Қатар, Озарбайжон, Россия, Қозғистон, Саудия Арабистони, Хитой, Япония ва бошқа 20 га яқин давлатларда ташкил этилган нуфузли халқаро кўргазмаларда муваффақият билан намойиш этилмоқда. Бу эса мамлакатимизга сайёҳлик оқимини кўпайтириш билан бирга давлатлар ўртасидаги маданий ҳамкорликни ва ўзаро ҳурматни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда...

Бундан бир неча йил аввал Хитойга қилган ижодий сафаримиз чоғида “Тугун” император саройи музейига кираверишда ўз навбатини сабр билан соатлаб кутаётган болажонларни кўриб, ҳайратим ортганди. Шу тариқа, ёш авлод қалбига ватанпарварлик, миллатсеварлик, аждодлари билан фахрланиш туйғуси сингдириб борилиши Хитойнинг қисқа фурсатда дунёдаги етакчи, ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олгани, илм-фан, техника тарақиётида илгарилаб кетганининг асосий омилларидан бири эканлигига амин бўлгандим...

Мақоламиз бошида келтирилган ҳолатдан фаркли ўларок, бугун музейларимиз анча гавжумлашган. Лекин мақтангудек эмас.

Илдизлари мозийга туташ халқмиз. Авестодан тортиб, Ислон илмлари, Темур ва Навоий даврининг адолат ва маърифат тамойилларигача бўлган минг йиллик маънавий-маданий асосларимиз бор, кўҳна ва бой тарихий меросимиз — археологик, этнографик, табиий-илмий ашёларимиз, тарихий ҳужжатларимиз ва ёзма манбааларимиз, рассомлик ва ҳайкалтарошлик асарларимиз бисёр. Уларни фақат музейларда сақлаш ёки сайёҳларга намойиш этиш эмас, балки бугунги жамият ҳаётига ҳам сингдиришимиз жуда муҳим.

Феруза ЖАЛИЛОВА



БУЮК АЖДОДЛАР МЕРОСИ — УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ

Хар бир бинонинг мустаҳкамлиги ва узоқ давр хизмат қилиши унинг пойдевори пухта ва пишиқлигига боғлиқ. Бу қондани ҳаётдаги кўп нарсаларга, жумладан илм-фан, маданият тараққиётига нисбатан ҳам қўллаш мумкин.

Шу нуқтаи назардан баҳолаганда мамлакатимиз ва бутун жаҳон миқёсида илм-фан, маънавият ва маърифат соҳасидаги бугунги кундаги мислсиз ютуқлар, кашфиётлар заминидан буюк, тараққиқпарвар аждодларимиз мероси асос эканлигини фахр билан қайд этиш лозим.

Чунки, буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган юртимиз азал-азалдан жаҳон цивилизацияси маркази, илм-маърифат ўчоғи сифатида дунё илм-фани ва маъданиятига бекиёс ҳисса қўшиб келган.

Дунёда энг қадимий илмий масканлар айнан юртимиз ҳудудида — Хоразмшоҳлар пойтахти Кўхна Урганчда, Самарқанд, Бухоро, Хивада пайдо бўлганлиги, шунингдек ўнлаб, юзлаб мадрасалар фаолият кўрсатганлиги тарихий маълумотлардан маълум.

Тарихга назар солинса IX-XII асрларда юртимизда цивилизациянинг янги босқичига қадам қўйилиб, давлат бошқаруви ва ижтимоий-сиёсий соҳадаги ўзгаришлар зиёлиларни эзгу мақсад ҳамда ғоялар атрофига бирлаштирганини кузатиш мумкин.

Бу эврилишлар самарасида тиббиёт, математика, фалакиёт, кимё, ҳуқуқ, геодезия ва бошқа фанлар ривожланишига, бинобарин, Биринчи Ренессанс фаолиятига асос бўлган. Айниқса, бунда ўз атрофига умрини, иқтидорини илмга бағишлаган алломаларни жамлаган мукаддас даргоҳ — Хоразм Маъмур академияси бекиёс аҳамият касб этган. “Дорул ҳикма” дея эътироф этилган ушбу илм ва тадқиқот маскани нафақат минтақада, балки дунё миқёсида зиё машъали дея эътироф қилинган.

Ушбу даргоҳда изланиш ва тадқиқотлар олиб борган Ал-Беруний, Ибн Сино, Абу Мансур ибн Ироқ, Абу Саҳл Масихий, Абу Хайр ибн Хаммор, Абу Мансур ас-Салобий ва бошқа ўнлаб олимлар илмий ютуқ ва кашфиётлари билан фанни юксак поғонага кўтарганлар.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2020-йилда Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган байрам тантанасидаги нуткида шундай деган эдилар: “Антик даврда Юнонистонда ёнган илм

алломаларимизнинг оламшумул илмий-ижодий кашфиётлари умумбаъшарият тараққиёти ривожига бекиёс таъсир кўрсатди.”

Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганидек, “Ислом маданиятининг олтин асри” деб эътироф этиладиган бу даврда она заминимиздан етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Моғуридий, Паҳлавон Маҳмуд, Бурхониддин Марғиноний, Абул Муин Насафий каби улуг уламолар мусулмон оламининг фахру ифтихори ҳисобланади.

Уларнинг яратган асарлари, қолдирган бой мероси илм-фан оламига бебаҳо манба ва келгусидаги йўлини ёритувчи маёқ вазифасини

манд ёшлар учун ибрат тимсолидир. Энг муҳими, дунё тамаддунига пойдевор яратган ота-боболаримиз билан фақат фахрланиб қолиш эмас, балки уларга муносиб ворис, издош бўлиш маъсулиятини ҳис қилиб яшаш бурч ва шараф.

Шу боисдан ҳам мамлакатимизда аждодларимиз меросини ўрганиш, тарғиб қилиш ва ибратли ишлари давомийлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Илм-фаннинг турли йўналишларида олийгоҳ ва илмий-текшириш, тадқиқот институтларининг фаолияти йўлга қўйилаётгани, Ислом цивилизацияси марказининг, Имом Бухорий зиёратгоҳи ва маърифий мажмуасининг ташкил этилиши ҳамда бошқа шу сингари хайрли ишлар буни яққол далилидир.

Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти бош конференцияси 43-сессиясининг дунё олимлари иштирокида юртимизда, тарихий Самарқанд шаҳрида ўтказилгани ҳам буюк аждодларимизга эҳтиром, мамлакатимиз нуфузи эътирофи ифодасидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев сўзлари билан таърифлаганда “Ҳозирги вақтда мамлакатимизда яна бир муҳим уйғониш жараёни кечмоқда. Шунинг учун “Янги Ўзбекистон ва “Учинчи Ренессанс” сўзлари ҳаётимизда ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб янграмоқда, халқимизни улуг мақсадлар сари руҳлантirmoқда”.

Эзгу мақсадлар рўёби йўлида илм-маърифатнинг нурли манзилларига етиш ишончи ва масъулияти барчамизга ҳамроҳ бўлсин!

Гулсала АТАБАЕВА,
Урганч Давлат Педагогика
институтини педагогика назарияси
ва тарихи йўналиши 2-босқич
магистранти



машъаласи тўққизинчи-ўн иккинчи асрларда Марказий Осиё ҳудудида қайта порлади. Бу даврда юртимиз ҳудудида Биринчи Ренессанс юзага келди ва у бутун дунё тан оладига машҳур дарғаларни етиштириб берди. Хусусан, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд аз-Замахшарий сингари ўнлаб буюк

ўтамоқда. Ушбу тафаккур машъалидан баҳрамандлик ҳамда ворислик фахру ифтихори бугунги Учинчи Ренессанс пойдевори қўйилаётган давр илм-фани учун, жамият ривожини учун таянч ва қудрат бағишловчи куч бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, буюк аждодларимиз ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти келажак эгалари бўлган, маърифатга ихлос-



КЕЛИННИНГ ДАЪВО АРИЗАСИ ҚАНОАТЛАНТИРИЛДИ

Тажрибамдан келиб чиқиб айтсам, сўнгги йилларда никоҳни бекор қилиш, эр ёки унинг оила аъзолари томонидан келинни уйдан ҳайдаб чиқаришдек дилни хира қиладиган ҳолатларга тез-тез дуч келмоқдамиз. Яқинда судга М.М. исмли аёл даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда жавобгар Б.С. билан 2020 йил 7 ноябрда қонуний никоҳдан ўтганини, бу турмушидан икки нафар фарзандлари борлигини баён қилган.

Аёл Б.С.га тегишли Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, “Шодиёна” М.Ф.Й.даги 8-хонадонга келин бўлганини, турмуш ўртоғи билан шу хонадонда яшаб, фарзандлари шу хонадонда туғилганини таъкидлаган. Мазкур хонадонда доимий рўйхатга қўйилиб, жавобгар билан аҳил яшагани, бироқ жавобгарнинг синглиси уларнинг ўзаро муносабатларига доимий аралашиб, низо чиқарганини, охири жанжалда кечаси соат 2.00да фарзандлари билан кўчага ҳайдаган. Ота-онасининг уйида яшаган даврида ҳам бир ой давомида таъкиб қилиб, ҳақорат қилганини, жавобгарни синглиси билан келиб чиққан келишмовчиликлар сабабли уйдан чиқиб кетганини, 2024 йил 8 декабрда фарзандлари билан уйга кирмоқчи бўлганида жавобгарлар жисмоний куч ишлатиб, қаршилик қилганини баён қилган. Суддан вояга етмаган фарзандлари билан бирга Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, “Шодиёна” М.Ф.Й.даги хонадонга яшаш ва фойдаланиш ҳуқуқи билан киритишни сўраган.

Ўз навбатида жавобгар ҳам қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, турмуш ўртоғи 2024 йил 27 октябрда ота-онасининг уйига болаларини олиб кетгани ва шу кунга қадар ўша ерда яшаётганини, бу уйга киришга ҳаракат қилмаганини маълум қилди. Шунинг учун жавобгар уйда яшамасада, унинг учун коммунал тўловларни тўлашга мажбур бўлаётганини, жавобгар ва унинг икки нафар фарзандлари бу уйдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб ҳисоблашини суддан сўраган.

Суд мажлисида сўралган М.М даъво аризани қувватлаб, даъво аризада кўрсатилган вазиятга ўхшаш кўрсатмалар берди. Қўшимча равишда барча низо-лар ва жанжаллар жавобгар синглисининг уларнинг ўзаро муносабатларига аралашини, уйда унга босим ва тазйиқ ўтказгани, турли сўзлар билан ҳақорат қилгани оқибатида келиб чиққанини таъкидлади. Охири жанжалда ҳам

уни фарзандлари билан уйдан ҳайдаб чиқарганини, кейин ота-онасининг уйида яшашга мажбур бўлган. Лекин жавобгар билан ажрашмаслиги ва оиласини тиклаш мақсадида бир неча марта оғзаки равишда маҳаллага мурожаат қилганини, жавобгарлар жанжал кўтариб, қўл кўтаргани учун уйда қолмаган. Ўзи ва болаларига тегишли мулкларни олишга келганида ҳам жавобгарнинг отаси жанжал кўтарганини, оиласини тиклаш мақсадида шу хонадонга кирмоқчи бўлганини, лекин жавобгарлар фарзандлари билан уйга киритишга қаршилик қиладиганини баён қилиб, суддан даъво талабларини қаноатлантиришни ва қарши даъвони рад қилишни сўради.

Суд мажлисида сўралган жавобгар эр Б.С. хотини билан ярашмаслигини, ҳозирги кунда бу уйда яшамаётгани, бошқа жойда яшаётганини, бу уйга даъвогарни киритишга қарши эканини баён қилиб, суддан даъво талабини рад қилишни, жавобгарни фарзандлари билан уйга киритмаслиқни, қарши даъвони қаноатлантиришни сўради.

– Бу оиланинг масаласи бир неча марта маҳаллада кўриб чиқилган, – деди суд мажлисида сўралган учинчи шахс, “Шодиёна” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Л. Мирсаатова ўз кўрсатмасида. – Келишмовчиликлар икки ёш эмас, балки уларнинг ота-оналари ўртасида, икки ёш бир-бирига кўнгли қўйиб, турмуш қурган. Ўрталарида келишмовчиликлар бўлмаган. Бироқ 2024 йил октябрь ойида келин жанжал туфайли ота-онасининг уйига кетган. Улар билан оилани тиклаш мақсадида

икки ёш, кейин уларнинг ота-оналари билан суҳбатлар ўтказдик. Лекин мурожага келинмагани сабабли ярашув бўлмади.

Суд мажлисида сўралган хотин-қизлар фаоли ва маҳалла фаоллари ёш оилани тиклаш юзасидан кўрилган чоралар ва ота-оналарни мурожага келмаслик оқибатида вояга етмаган фарзандлар жабр кўраётгани ҳақида кўрсатмалар бериб, ёшларга имконият бериш, оилани тиклаш ва тарафларни яраштириш чораларини кўриш зарурлигини билдирдилар.

Суд тарафларнинг баёнотини тинглаб, адвокат нутқи ва учинчи шахсларнинг кўрсатмаларини, иш ҳужжатларини ўрганиб, муҳокама қилган ҳолда қуйидаги хулосага келди.

Суд даъвогар М.М.нинг даъво талабини муҳокама қилди. Амалдаги қонунчиликка асосан мулк ҳуқуқи қонун йўли билан муҳофаза қилинишини, даъвогарнинг вояга етмаган фарзандлари билан низоли уйда яшашига жавобгарлар томонидан қаршилик қилинган сабабли оила аъзоси ва инсофли фойдаланувчи сифатида ҳуқуқлари бузилган. Уйга кира олмаган. Мулкдор уларни ихтиёрий равишда рўйхатга қўйган. Турмуш ўртоғи оилавий келишмовчиликлар сабабли вояга етмаган фарзандлари билан уйдан чиқиб кетишга мажбур бўлган. Даъвогар ўз ихтиёрига боғлиқ бўлмаган сабаблар билан мазкур хонадонда яшамаган ва фарзандлари билан яшаш учун бошқа турар жойи бўлмаган. Даъвогарнинг бу уйда яшашига қаршилик қилиб, мулкларини олиб кетишини талаб қилишган. Суд барча ҳолатларга баҳо бериб, даъво талабини қисман қаноатлантиришни ва даъвогарни вояга етмаган фарзандлари билан Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, “Шодиёна” М.Ф.Й.да жойлашган хонадондаги келин бўлган, битта яшаш хонасига яшаш ва фойдаланиш учун киритишни, хонадондаги ёрдамчи хўжаликлардан турар жойда яшовчилар билан умумий фойдаланиш ҳуқуқини белгилашни лозим топди. Шундай қилиб келин яшаш хонадонига киритиладиган бўлди.

Дилноза ШОМАТОВА,
Фуқаролик ишлари бўйича
Шайхонтохур туманлараро
судининг судьяси.

МУАССИСЛАР:

Экология, атроф-
муҳитни муҳофаза
қилиш ва иқлим
ўзгариши вазирлиги

Ўзбекистон
маҳаллалари
уюшмаси

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари миллий
ассоциацияси

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати – Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси

Тахрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Акмал САИДОВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Камолиддин
ИШАНХОДЖАЕВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Максуд
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-1110
Адади: 1600
Пайшанба кунини чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 3 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.

2024 йил 2 августда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 0010-рақам билан
рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун
телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6



ЭЗГУЛИККА БАХШИДА УМР

Бугунги кунда юртимизда хотин-қизларнинг фаол иштироки жамият ривожининг таянчига айланди. Маҳаллада фаол, ташаббускор ва халқ дарди билан яшайдиган аёллар орқали юрт тинчлиги, оила мустахкамлиги, ёшлар тарбиясини тўғри йўлга солиш таъминланмоқда.

Шундай жонкуяр фидойи аёллардан бири Андижон вилояти Марҳамат туманидаги Дукчи эшон Маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли Каримахон Нурматовадир. Каримахон бир неча йиллардан буён ишини аёллар билан чамбарчас боғлаган. У икки маҳалла — Дукчи Эшон ҳамда Мингтепада хотин-қизлар бўйича иш олиб бормоқда. Маҳалладаги қайси бир хонадонга кирмасин, хонадон сохиблари мамнунлик билан қарши оладилар. Оилавий ажримларнинг олдини олиш, фарзанд тарбияси ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб, бу ишларга маҳалла фаоллари ҳамиша бош-қош бўлмоқда.

Оила даромадини оширишда якка тадбиркорлик катта аҳамият касб этади. Бу борада давлатимиз томонидан кенг имкониятлар яратиб қўйилган. Инсон борки, унинг оиласида албатта камчилик, етишмовчилик бўлади. Бундай вақтларда Каримахон ўз маҳалла-

сидаги аёллардан сабрли матонатли, оиласига садоқатли бўлишни уқтиради.

Маҳалла фаоли сифатида баалоғат ёшидаги қизларни ҳаётга тайёрлаш, эрта турмушнинг олдини олиш, уларни оиладаги ўрни қандай бўлиши, ҳурмат-иззат борасида тушунчалар бериб бормоқда. Шу билан бирга тўй ва маъракаларни ихчамлаштириш, маромийлик асосида ҳам ишлар олиб бормоқда. У маҳалладаги қайси бир оила тўй бошлаётган бўлса, оила бошлиқлари билан дилдан суҳбат қилади. Ҳукуматимизнинг тўйларни ихчам ўтказиш борасидаги ташаббусини дастурилмал қилиб олган.

Шундай тўйлардан бири яқинда Дукчи Эшон маҳалласида янги очилган Аҳмадхон ота номи тўйхонасида бўлиб ўтди. Мама-солиев Ғофуржон оиласи фарзандининг никоҳ тўйини маромийлик асосида ўтказди. Сарф-харажат меъёрида бўлди, исрофгарчилик



ҳам кузатилмади. Шундай тўйларни ўтказиш анъанага айланиб бориши ҳаммага бирдек маъқул келмоқда.

Бундан ташқари маҳалла биносида кутубхона ҳам ташкил этилган. Бунда мингдан ортиқ китоблар ёшлар ихтиёрида.

Гира-шира тонг. Ҳали кўпчилик уйқуда. Маҳалла оралаб келаётган аёл ҳар бир дарвоза олдини синчиклаб қарайди. Кўчалар супириб сидирилган, сувлар сепилган. Баъзи келинлар супургини олиб энди кўча юзини тозалашга киришган. Карима опа улар билан саломлашиб, баракалла келин, раҳмат, деб кўяди.

Маҳалланинг, юртнинг ободлиги остонадан бошланади. Ҳар бир уй обод бўлиши эса ўша оиладаги келин-қизлар зиммасидадир.

– Қайси хонадонга кирманг, у ердаги кузги гулларнинг чаман очилиб турганига гувоҳ бўласиз. Маҳалла обод бўлса, кўнгил ҳам обод бўлади, – дейди Карима опа кўчаларга қараб. – Бу гулу райхонлар ўзгача хушбўй хидлар таратиб дилни қувонтиради. Мана, ўттиз йилдирки, шу халқ, шу аёллар билан биргаман, ўтган умримга сира ачинмайман. Аксинча ҳаётим халқ билан экан, шукрона айтаман.

Ҳавасхон ҚАМЧИЕВА

Бўлган воқеа

ҚАШҚИР БИЛАН БАСМА-БАС

Ушбу воқеа бундан бир неча ўн йиллар аввал Қўшрабат туманининг Обой қишлоғида истикомат қилувчи Бобокул Назаров хонадонидида содир бўлган. Унинг уйига Жўш қишлоғида яшовчи телерадио устаси Нуриддин Усмонов ташриф буюради. Воқеа бундай бўлган эди.

Бобокул бузилиб қолган телевизорини тузатиш учун Нуриддинни уйига таклиф этади. Ўша куни аксига олиб электр таъминотида узилиш бўлади. Бошланган ишни чала ташлаб кетишни истамаган уста мижозининг уйида қолишга мажбур бўлади. Узоқ чўзилган гурунган сўнг меҳмон ҳам, мезбонлар ҳам уйқуга кетадилар. Тонг саҳар, чамаси соат тўртларда Бобокулнинг ўғли ташқарига чиқиб, қўйхонада қўйларнинг йўқлигини кўриб, дарҳол отасини уйғотади ва воқеани шоша-пиша айтади. Апил-тапил кийинган Бобокул ташқарига отилади. Қўшнилари уйғотиб, ғойиб бўлган қўйларни излашга тушади. Шовқин-сурондан уйғонган Нуриддин ҳам кийиниб, ҳовлига чиқади. Шу пайтда ҳов-

лига жон ҳолатда 5-6 эшак югуриб кирганини кўргач, кўнгли хавотир олади. Уйқуси очилган уста ёш қизчанинг чинқириғини эшитиб, овоз чиққан томонга югиради. Не кўз билан кўрсинки, бир бўри уй эгасининг 4-5 ёшлардаги қизчасини қўйлагидан тишлаб судраб кетарди.

Нуриддин тоғ боласи эмасми, ўзини йўқотиб қўймади, қўлига илинган таёқни олиб бўрига ташланади. Бор кучи билан йирткичининг дуч келган жойига ура бошлайди. Бўри зарбларнинг зўридан қизчани қўйиб юборади. Қашқирнинг қасоскорлигидан хабардор йигит бир зум бўлсин хушёрликни йўқотмайди. Бўри яшин тезлигида рақибининг устига ўкдек отилади. Яхши ҳамки бу пайтда қизча қочиб улгурган эди. Йирткич қонхўр билан меҳмон олишуви ярим соатлар давом этади. Бўри рақибининг тишлаб олган ўнг тирсагини, Нуриддин эса маҳкам чангаллаб олган бўри бўғзини қўйиб юбормас эди.

Ниҳоят уй эгаси, қўни-қўшнилар ёрдамга етиб келишади. Хириллаб бошлаган бўрининг оёқларини боғлашиб, йигитни ажратиб олади-



лар. Нуриддиннинг қўрқмаслиги нафақат бир хонадонга, балки бутун туман аҳолисига фойда келтирди. Чунки чорвадор аҳоли анча вақтдан буён бу хавфдан қўрқиб юришар, ҳатто талофат ҳам кўришган эди. Нуриддин Усмонов бугун Жўш қишлоғида истикомат қилмоқда. У фарзандларининг камолидан хурсанд. Шуни айтсалар керакда, яхши ишларнинг савоби ҳам барқарор деб.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ